

**КАЛБАКИ ПУЛ, АКЦИЗ МАРКАСИ ЁКИ КИММАТЛИ
КОГОЗЛАР ЯСАШ УЛАРНИ ЎТКАЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ
ТАВФСИФИ**

Yakubov Xushnudbek Sheribbayevich

O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi katta o'qituvchisi.

xushnud6982@gmail.com.

Duschanov Alisher Umid o'g'li

O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi kursanti

Аннотация. Мақолада калбаки пул акциз маркаси ёки кимматли коғозларни ясаш ва уларни ўтказиш жинояти билан боғлиқ тушунчалар, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи, иктисодий жиноятларда пул ва кимматли коғозларни калбакилаштиришининг алоҳида ўрни, давлатнинг иктисодиётига ижтимоий-сиёсий вазиятига таъсири ва айрим таклиф ва тавсиялар, мазкур ҳуқуқбузарликнинг олдини олишдаги чора-тадбиролар, бу борада илғор хорижий давлатлар тажрибаси, замонавий ёндашув ва қарашларнинг асосий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Калбаки пул, акциз маркаси, кимматли коғоз, аксиялар, облигациялар, хазина мажбуриятлари, қимматли қоғозларнинг ҳосилалари, депозит сертификатлари, векселлар, банкнотлар, инфляция, чет эл валютаси, фирибгарлик, ҳаракатлар стратегияси, калбаки билетлар, металл тангалар, сохта пул.

**ОПИСАНИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ, СВЯЗАННОГО С
ИЗГОТОВЛЕНИЕМ ПОДДЕЛЬНЫХ ДЕНЕГ, АКЦИЗНЫХ МАРОК
ИЛИ ЦЕННЫХ БУМАГ, ИХ ПЕРЕДАЧЕЙ**

Аннотация. В статье рассмотрены понятия, связанные с преступлением подделки акцизных марок или ценных бумаг и их передачи, уголовно-правовая характеристика данного вида правонарушений, особая роль подделки денег и ценных бумаг в экономических преступлениях, влияние на общественно-политическую ситуацию государства и некоторые предложения и рекомендации, меры профилактики данного правонарушения, опыт передовых зарубежных стран в этом отношении, основные аспекты современного подхода и взглядов.

Ключевые слова: Поддельные деньги, акцизные марки, ценные бумаги, акции, облигации, казначейские обязательства, производные ценные бумаги, депозитные сертификаты, векселя, банкноты, инфляция, иностранная валюта, мошенничество, торговая стратегия, фальшивые векселя, металлические монеты, фальшивые деньги.

DESCRIPTION OF THE CRIME OF MAKING COUNTERFEIT MONEY, EXCISE STAMPS OR SECURITIES TRANSFER THEM

Annotation. In the article, concepts related to the crime of counterfeiting excise stamps or securities and their transfer, the criminal-legal description of this type of offense, the special role of counterfeiting money and securities in economic crimes, the impact on the socio-political situation of the state and some suggestions and recommendations, this offense

Key words: Counterfeit money, excise stamp, securities, stocks, bonds, treasury obligations, securities derivatives, certificates of deposit, bills, notes, inflation, foreign currency, fraud, trading strategy, counterfeit bills, metal coins, counterfeit money.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан ишлаб
чиқилган 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини
ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

стратегиясининг “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналишида миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш назарда тутилган¹.

Қалбаки билетлар ёки қимматли қоғозлар ясаш (сохта пул ясаш) деганда, мазкур нарсаларни тўла ясаш ёхуд ҳақиқий қоғоз пуллар ёки қимматли қоғозларга қисман ўзгартиришлар киритиш (шу нарсаларнинг рақамларини ёки бошқа зарурий қисмларини ўзгартириш) тушунилади.

Қалбаки пул — бу давлат ёки ҳукуматнинг қонуний рухсатисиз, одатда атайлаб шу валютага тақлид қилиш ва уни олувчини алдаш мақсадида ишлаб чиқарилган пул бирлиги. Қалбаки пул ишлаб чиқариш ёки ундан фойдаланиш фирибгарлик ёки қалбакилаштиришнинг бир тури бўлиб, ноқонуний ҳисобланади.

Пулни деярли ўзи каби қалбакилаштириш бизнеси қадимги Лидия тангаларининг қопланган нусхалари (Фоуррээс номи билан танилган) топилиши билан бошланган, улар Ғарб тангаларининг дастлабки намуналаридан бири ҳисобланади². Қоғоз пуллар муомалага киритилгунга қадар қалбакилаштиришнинг энг кенг тарқалган усули оддий металлларни соф олтин ёки кумуш билан аралаштиришдан иборат эди. Қалбакилаштиришнинг яна бир кўриниши — қалбаки кўрсатмаларга жавобан қонуний принтерлар томонидан ҳужжатларни ишлаб чиқариш.

Аксиз (франсузча: ассисе — қирқиб олмоқ) — кенг истеъмол товарлари, энг муҳим хом ашёларга, шунингдек хизматлар учун давлат

¹ Ашуров, О. (2024). Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан фирибгарлик жиноятига қарши курашишда тезкор-қидирув тавсифининг илмий таҳлилини аҳамияти. *Журнал академических исследований нового Узбекистана*, 1(5), 184-191.

² Ashurov, O. (2024). Voyaga yetmaganlar orasida giyohvandlikka qarshi kurashishning dolzarb ahamiyati. *Академические исследования в современной науке*, 3(18), 27-32.

томонидан солинадиган кўшимча солиқ тури. Муайян товар (муҳим истеъмол товарлари: қанд, гугурт, туз, тамаки, спиртли ичимликлар, шунингдек автомобиллар, музлаткичлар, мўйна маҳсулотлари биллур ва ҳоказо)лар нархига, кўрсатилган хизмат (коммунал, транспорт ва бошқалар) ҳақиға кўшимча устама солиқ сифатида кўшилади ва уни тўловчилар бевосита харидорлар ҳисобланади. Аксиз нарх таркибида муайян қийматда ёки нарх миқдоридан маълум фоиз ҳисобида кўринишларида бўлади. Аксиз давлат бюджетида даромадларнинг муҳим қисмини ташкил этади. Аксиз қадимги Римда келиб чиққан. Ҳозирги дунё мамлакатларида кенг ривожланган³. Ўзбекистонда 1996-йил 1-октябрдан республиканинг ўзида ишлаб чиқарилган ва унинг ҳудудига четдан келтирилган тамаки маҳсулотлари ҳамда спиртли ичимликларни сотишда махсус Аксиз маркалари жорий етилган.

Қимматли қоғозлар - ўз эгасига мулкка эгалик ҳуқуқини ва даромад кўринишида муайян пул суммасини олиш ҳуқуқини берадиган пул ёки товар ҳужжатлари (акция, облигация, аккредитив, вексел, чек ва бошқалар). Қимматли қоғозлар тақдим етувчи ёки егасининг айрим ҳуқуқлари қайд етилган махсус тарзда расмийлаштирилган молиявий ҳужжат. Қимматли қоғозлар маълум шахс номига ёзилган (исмли), дастлаб сотиб олган шахс номига ёзилган ва унинг розилиги билан бошқа шахсга ўтказиладиган ордерли ва егаси ёзилмайдиган (эгаси кўрсатилмайдиган) турларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган **“Валютани тартибга солиш тўғрисида”**ги: Қонунига мувофиқ, **чет эл валутаси жумласига** тегишли хорижий давлатда муомалада бўлган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнот кўринишдаги чет эл пуллари, шунингдек, муомаладан чиқарилган ёки муомаладаги, аммо Ўзбекистон

³ Ашуров, О., & Усмонов, А. (2024). Кибержиноятлар, уларнинг жамият орасида кенг тарқалган турлари ва уларга қарши курашишнинг ўзига хос жиҳатлари. *Академические исследования в современной науке*, 3(17), 89-93.

Республикаси пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пуллари; ҳисобварақларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидаги ва халқаро ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлар киради⁴. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар — чет эл валютасидаги фонд бойликлари (акциялар, облигациялар ва бошқалар), чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари (чеклар, вексельлар, аккредитивлар ва бошқалар), шу жумладан йўл чекларидир. Объектив томондан жиноят ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари 101 (банкнотлар), металл тангалар, Акциз маркалар, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясашда ва уларни ўтказишда ифодалан.

Қимматли қоғозларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- акциялар;
- облигациялар;
- хазина мажбуриятлари;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилалари;
- депозит сертификатлари;
- векселлар.

Замонавий сохта пул ишлаб чиқарувчиларни икки гуруҳга булиш мумкин: баъзилари мақсадли равишда пул чоп этиш билан шуғулланадилар, бошқалари шунчаки хаводан пул ишлашга қарор қилган тасодифий одамлардир.

Профессional жиноятчиларни ажратиб турадиган нарса уларни ташкилотидир. Қоидага кўра улар босмаҳонага қадар махсус жихозларга эга бўлмаганлар. Шунингдек гуруҳларда масъулият аниқ тақсимланади, баъзилари босмаҳона билан шуғулланади, бошқалари сотиш билан яна бошқалари сотиш сарф материаллари билан таъминлаш ва хоқозо.

⁴ Sheribbayevich, Y. X., & Zafar o'g'li, Z. B. (2023). Terroristik va ekstremistik tashkilotlar hamda oqimlarning axborot texnologiyalaridan foydalangan holda olib borayotgan targ'ibot faoliyatining salbiy oqibatlari. *Лучшие интеллектуальные исследования*, 11(5), 162-171.

Кизикувчанлик ёки эҳтиёж туфайли жиноятга ундаганлар ҳам йўқ эмас. Бу оддийгина тушунтирилади: хозир деярли ҳар бир киши калбаки пулларни чоп этиши мумкин, улар минимал жихозларга эга бўлишлари керак: принтер сиёҳ ва камера.

Криминалогларни фикрича 90 йилларда калбаки пул сотувчиларни аниклаш анча осон бўлган. Ўша пайтда ҳамма ҳам кимматбаҳо лазерли принтерларга эга эмас эди. Ва ноёб офис жихозларининг бахтли эгалари уларни рўйхатдан ўтказишлари керак эди. Энди бозор арзон принтерлар билан тўлдирилган ва шунинг учун офис қоғоз варвкларидан пул чоп этиш анча осонлашди⁵.

Бошқа томондан контрафактларнинг сифати хали ҳам жуда паст ва улар жуда тез аникланади..

“Қалбаки” сўзи билан боғлиқ ҳар қандай жараён давлат томонидан қабул қилинган ҳуқуқий муносабатларга даҳл қилади. Сохтакорлик давлатимиз ва фуқароларимизнинг ўз олдига қўйган бунёдкорлик ишлари йўлидаги ғовдир. Шундай экан ушбу жараён яъни қонун бузилиши норматив-ҳужжатлар орқали белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 176-моддасига кўра қалбаки пул, акциз маркаси ёки кимматли қоғозлар яшаш уларни ўтказиш деб номланиб иктисодиёт асосларига қарши жиноятлар туркумига киради. Бу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, ўтказиш мақсадида калбаки банк билетлари(банкнотлар), металл тангалар акциз маркалар шунингдек кимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги кимматли қоғозларни яшаш уларни ўтказиш билан шуғулланувчи шахслар давлатнинг пул кредит-тизимига зарар келтириб, инфляциянинг пайдо бўлиши ва ривожланишига, иктисодий бекарорлик келиб чиқишига сабаб бўлади⁶.

⁵ Якубов, Х. Ш. (2023). Психологические особенности оперативно-розыскного мероприятия «опрос». образование наука и инновационные идеи в мире, 25(2), 45-48.

⁶ Шериббаевич, УХ, и Шермат о'гли, ҚМ (2023). Киберджиноятчиликка қарши курашининг ахамияти. Лучшие интеллектуальные исследования , 11 (5), 151-161. —

Ушбу Жиноятнинг **бевосита объекти** давлатнинг пул ва кредит тизими ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг нормал фаолият олиб боришини таъминловчи муносабатлар. **Жиноятнинг предмети** банк билетлари (банкнотлар), яъни пулдир. Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги сўм, шунингдек, металл тангадир. Жиноятнинг предмети Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк билетлари (банкнотлар), шунингдек, металл тангалар, Аксиз маркалар, Ўзбекистон Республикаси валютасидаги қимматли қоғозлар, чет ел валютаси, чет ел валютасидаги қимматли қоғозлар ҳисобланади. Банк билети ҳисобланган сўм пуллар (сўмлар) — 1 сўмдан 1000 сўмгача бўлган шаклда муомалага киритилади.. Банк билетлари (банкнотлар) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан эмиссия қилинади”.

Ушбу **жиноят объектив томондан** иктисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатларда ифодаланади

Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Ўтказиш мақсадининг борлиги қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар яшашнинг зарурий белгисидир. Ўтказиш мақсадининг борлиги қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар яшашнинг зарурий белгисидир. Шахс қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни ўтказиш мақсадида емас, айтайлик, ўзи учун, масалан, ўз қобилияти маҳоратини кўрсатиш ва ҳ.к. учун ясаган ҳолларда унинг ҳаракатлари жиноий қилмиш ҳисобланмайди. Қалбаки пуллар ёки қимматли қоғозларни ўтказиш фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Айбдор шахс қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни ўтказиётганини олдиндан билган бўлиши керак, агар у сохта пул ёки қимматли қоғозларни ўтказиётганлигини билмаган бўлса, унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмайди⁷. **Жиноятнинг субъекти** 16 ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо жисмоний шахс бўлиши мумкин.

⁷ Якубов Х. и Рахмонжонов Х. (2022). Диний экстремизм ва терроризм таҳдиди. Общество и инновации , 3 (2/С), 246-251.

ЖК 176-моддаси 2-қисмида: а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) кўп миқдорда; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир етилган, ўтказиш мақсадида қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар ясаганлик ёки уларни ўтказганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

ЖК 176-моддаси 3-қисмида: а) жуда кўп миқдорда; б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир етилган жиноят учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан Суд амалиёти туғрисида”ги қарорининг 12-бандига асосан:

Агар қалбакилиги айбдорга аён бўлган валюта қимматликлари кўринишидаги, пул муомаласида қўлланишини истисно қиладиган даражада ҳақиқийсига рўй-рост ўхшамайдиган купюралар ўтказилган бўлса, шунингдек, айбдорда жабрланувчини кўпол равишда алдаш нияти бўлганлигидан гувоҳлик берувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, бундай қилмиш Жиноят кодекси 176-моддасининг тегишли қисми бўйича тавсифланиб, Жиноят кодексининг **168-моддаси (фирибгарлик)** билан қўшимча тавсифлаш талаб қилинмайди⁸. Қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни олган шахснинг қилмиши еса валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олишга суиқасд сифатида тавсифланиши лозим.

Қалбакилигини билмагани ҳолда қалбаки валюта қимматликларини олган ва кейинчалик уларни ўтказган шахснинг қилмиши валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда ўтказиш сифатида тавсифланиши лозим.

⁸ Masharipov, T. (2022). Organizing a quick search to prevent crimes related to corruption. *Science and Innovation*, 1(7), 295-302.

Шу ўринда айтиб ўтишимиз жоизки калбаки пулларнинг давлатимиз иктисодиётига нафакат бутун дунё иктисодиётига таъсири жуда катта ва уларнинг жамиятга салбий таъсирларидан баъзиларини кўриб чиқамиз:

1) Компанияларга калбаки нарсалар учун пул тўланмайди. Бу компанияларнинг сотиб олиш қобилиятини йўқотишига олиб келди. Шундай қилиб, реал пул қийматининг пасайиши кузатилади;

2) Иктисодиётда кўпроқ пул айланиши туфайли нархларнинг ошиши (инфляция) — пул массасининг рухсатсиз сунъий ўсиши юз беради;

3) Пулнинг мақбуллигининг (қониқарлилиги) пасайиши — тўловчилар реал пулни электрон ўтказмалар ёки бошқа валютада тўлашни (ёки ҳатто олтин каби қимматбаҳо металлларда тўлашни) талаб қилишлари мумкин.

Шу билан бирга, қоғоз пуллар муомаладаги умумий пулнинг кичик қисмини ташкил этадиган мамлакатларда пул бирлигини қалбакилаштиришнинг макроиктисодий оқибатлари унчалик катта бўлмаслиги мумкин. Бироқ, валютага бўлган ишончнинг пасайиши каби микроиктисодий таъсирлар катта бўлиши мумкин⁹.

Бозор иктисодиёти муносабатларига ўтиш даврида ушбу жинойтнинг хавфлилиги кундан-кунга ошмоқда. Албатта шу ўринда пул оборотини бошқариш кийинлашди. Чунки пул эмиссияси давлат томонидан товар ва пул мутаносиблигини инобатга олиб амалга оширилади. Ушбу турдаги жинойтлар халқаро характерга ҳам эга бўлиб, унга қарши 1931йил 20-апрелда қабул қилинган “Пул белгиларини қалбакилаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги халқаро Конвенция асосида кураш олиб борилади. Ушбу Конвенцияга мувофиқ “Пул белгилари ва қимматли қоғозлани қалбакилаштириш билан шуғулланувчи шахслар қаерда жинойт содир этиши, қайси давлат фуқароси бўлиши ва ҳаракатлари қайси иштирокчи давлатнинг пул тизимида қаратилганидан

⁹ Машарипов, Т. Э. Коррупция билан боғлиқ жинойтларнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш.

катый назар, жиний жавобгврликка тортиладилар”. Калбаки кўлда ясалган шакллардан фойдаланган холда ясалган пулларни текширадилар. Бундай турдаги жиниятларни жойлардаги экспертлар деярли учратмасдилар. Сўнги йилларда эса калбаки пулларнинг асосий кисми рангли ксероксларда тайёрланмоқда. Калбаки тангаларни яшаш билан кўпинча темирни кайта ишлаш билан боғлиқ касб-хунарга эга шахслар шуғулланадилар.

Хўш юртдошларимиз калбаки пул, акциз маркаси ёки кимматли қоғозлар яшаш, уларни ўтказиш жиниятларининг қурбони бўлиб қолмасликлари учун нималарга эътибор бериши керак?

Банкнотни қалбакилаштиришнинг бир неча машхур усули мавжуд. Масалан, икки мингинчи, мингинчи, беш мингинчи векселлар кўпинча инкжет принтерларда чоп этилади. Бундай ускуналар арзонроқ, сарф материаллари эса арзон шунинг учун уни чоп этишди, қоғозни сиқадиган қилиб лак билан қоplashди ва ундан фойдаланишни бошладилар"деб тушунтиради экспертлар

Лазерли принтерда чоп этилган қалбаки маҳсулотлар намликдан қўрқмайди. Ушбу услуб сизга жуда юқори сифатли банкнотларни чоп этиш имконини беради, аммо босиб чиқаришнинг ўзига хосхусусиятларидан келиб чиққан холда, вексельни оддийгина эгиш орқали қалбаки пул пайдо бўлади.

Текшириш учун сиз банкнотни эгишингиз ва бармоқларингизни бу чизик бўйлаб бир неча марта югуртиришингиз керак. Сохта, бурмада оқ чизик пайдо бўлади.

Қайта қайта буқлаш банкнотдаги бўёқнинг тозаланишига олиб келади.

Кўпчилик банкнотларни ёруғликка қарши текширишга, мойбўёқларга қарашга одатланган, аммо экспертларнинг таъкидлашича, жиниятчилар ушбу хавфсизлик элементини қалбакилаштиришнихам ўрганган. Сув белги

лари махсус қалам билан чизилади ёки қоғоз катламлари орасига кўшилади.

Ҳақиқий банкнотада, агар сиз ёруғликка қарасангиз, у каттиқ бўлиб кўринади, чунки металллаштирилган лента катламлар орасида тўқилган. Жуда ишончли ҳимоя, уни қалбакилаштириш деярли мумкин эмас.

Тасаввур қилайлик, сиз қўлингизда қалбаки банкнот топдингиз. Шунда тутиш керакки, қалбаки пулни топишнинг ўзи жиноят эмас, лекин бунда банкнотни сотиш жиноят ҳисобланади.

Агар сиз банкнотни топсангиз, дарҳол Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши кураш департаментига хабар беришингиз керак. Кўпчилик буни қилишдан қўрқинишади, ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари билан қоғозбозликдан қўрқинишади, лекин сиз доимо бир нечта сохта нарсалар бўлиши мумкинлигини ёдда тутишингиз керак ва сиз туфайли бутун мамлакат бўйлаб шунга ўхшаш ҳолатлар занжири узилиши мумкин. Шундай экан барча-барчамиз мустақил ва фаровон Ўзбекистонимизни ривожланишига бефарқ бўлмайллик¹⁰.

Қалбаки пуллар ишлаб чиқаришга қарши чоралар:

Тасдиқланган банкнот, 10 фунт, Кнаресбороугҳ Олд Банк, 1800 йиллар. Кнаресбороугҳ қалъасининг декоратив рамкаси ва тасвири, шунингдек, ушбу еслатманинг чап ва ўнг томонидаги Фортуна ва Плентй фигуралари каби тафсилотлар қалбаки ёзувлар яратилишининг олдини олиш учун мўлжалланган. Лондондаги Британия музейида намойиш этилади.

Перуда фойдаланилаётган ҳисоб-китобларни текшириш қурилмаси, ҳақиқий пулга хос белгиларни текшириш учун катталаштирувчи ойна ва ёритувчи хавфсизлик тасмасига эга.

¹⁰ Худойбердиев, А. А., & Машарипов, А. Э. (2022). Оммавий тадбирларни ўтказилишида ички ишлар органлари томонидан жамоат тартибини сақлашни маъмурий ҳуқуқий жихатдан такомиллаштириш. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 2(10 Special Issue), 134-140.]

Анъанага кўра, қалбаки пулларга қарши кураш чора-тадбирлари, жумладан, векселларда босиладиган интаглио босмаси билан бирга нозик ўзига хос бошқа деталларни ичига олади, бу еса мутахассис бўлмаганларга ҳам қалбакиликни осонгина аниқлаш имконини беради. Тангаларда қимматбаҳо металлларнинг ҳеч бири кириб олинмаганлигини кўрсатиш учун фрезаланган ёки камишланган (параллел олуқлар билан белгиланган) кирралар қўлланилади. Бу танга четининг қирқилишини (ажралишини) аниқлайди. Ушбу услуб биринчи навбатда олтин каби енг қимматбаҳо тангаларда қўлланилади. Шимолий Американинг мустамлака давридаги дастлабки қоғоз пулларда қалбаки пул сотувини олдини олишнинг ижодий воситаларидан бири векселдаги барг детални чоп етиш еди. Баргда топилган нақшлар ноёб ва мураккаб бўлганлиги сабабли, уларни қайта тиклаш деярли мумкин эмас эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ашуров, О. (2024). Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари томонидан фирибгарлик жиноятига қарши курашишда тезкор-қидирув тавсифининг илмий таҳлилини аҳамияти. *Журнал академических исследований нового Узбекистана*, 1(5), 184-191.
2. Ashurov, O. (2024). *Voyaga yetmaganlar orasida giyohvandlikka qarshi kurashishning dolzarb ahamiyati. Akademicheskie issledovaniya v sovremennoy nauche*, 3(18), 27-32.
3. Ашуров, О., & Усмонов, А. (2024). Кибержиноятлар, уларнинг жамият орасида кенг тарқалган турлари ва уларга қарши курашишнинг ўзига хос жиҳатлари. *Академические исследования в современной науке*, 3(17), 89-93.
4. Sheribbayevich, Y. X., & Zafar o'g'li, Z. B. (2023). Terroristik va ekstremistik tashkilotlar hamda oqimlarning axborot texnologiyalaridan foydalangan holda olib borayotgan targ'ibot faoliyatining salbiy oqibatlarini. *Лучшие интеллектуальные исследования*, 11(5), 162-171.

5. Якубов, Х. Ш. (2023). Психологические особенности оперативно-розыскного мероприятия «опрос». образование наука и инновационные идеи в мире, 25(2), 45-48.
6. Шериббаевич, УХ, и Шермат о'гли, ҚМ (2023). Киберджиноятчиликка карши курашининг ахамияти. Лучшие интеллектуальные исследования , 11 (5), 151-161.
7. Якубов Х. и Рахмонжонов Х. (2022). Диний экстремизм ва терроризм тахдиди. Общество и инновации , 3 (2/С), 246-251.
8. Masharipov, T. (2022). Organizing a quick search to prevent crimes related to corruption. *Science and Innovation*, 1(7), 295-302.
9. Машарипов, Т. Э. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш.
10. Худойбердиев, А. А., & Машарипов, А. Э. (2022). Оммавий тадбирларни ўтказилишида ички ишлар органлари томонидан жамоат тартибини сақлашни маъмурий ҳуқуқий жихатдан такомиллаштириш. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 2(10 Special Issue), 134-140.